

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRINING
BUYRUGI**



**П Р И К А З
МИНИСТРА ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

2019 йил “ 4 ” январь.

№ 3 -МХ

« ___ » _____ 2019 года.

**Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида**

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–497-сон “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ

Б У Ю Р А М А Н:


1. Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.
4. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” – “Собрание законодательства Республики Узбекистан”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.
5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Тошкент шаҳри



Р. Давлатов



Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2019 йил ___ январдаги
___-мх-сон буйруғига
1-илова

**Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов (бундан буён матнда танлов деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қондалар

1. Танлов Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади.

Танлов ўтказишни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш мақсадида комиссиянинг ишчи органи фаолият юритади. Ишчи органнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармаси ҳамда Ҳукукий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармасининг соҳа бўйича масъул ходимлари орасидан шакллантирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Ишчи орган ўз фаолиятини комиссия раисининг раҳбарлигида амалга оширади.

2. Танлов нотариус лавозими бўш бўлган тақдирда ёки қўшимча (янги) нотариус лавозими таъсис этилганда ўтказилади.

Нотариуснинг болани парваришлаш таътилига чиқиши муносабати билан нотариус лавозими вақтинча бўшаган ҳолларда танлов ўтказиш мазкур Низомнинг 34-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Танлов жараёни аудио ва видеоёзувларда қайд этиб борилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида реал вақт режимида трансляция қилинади.

2-боб. Танлов ўтказишни ташкил этиш

4. Нотариус лавозими бўшагандан (вақтинча бўшагандан) кейин тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий адлия органлари деб юритилади) бу ҳақда буйруқ чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини (буйруқни илова қилган ҳолда) хабардор қилади.

Хабарнома олинган ёки қўшимча (янги) нотариус лавозими таъсис этилган кундан бошлаб етти иш куни ичида ишчи орган томонидан “Инсон ва қонун” газетасида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида танлов ўтказиш тўғрисида эълон берилади, мазкур Низом 2-бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:
нотариус лавозимига танлов ўтказилаётган давлат нотариал идорасининг номи;
танловда иштирок этувчиларга қўйиладиган талаблар;
танловда иштирок этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар ва уларни тақдим этишнинг охириги санаси. Бунда ҳужжатларни тақдим этиш муддати камида 15 кун этиб белгиланади;

боғланиш учун телефон рақами ва электрон почта манзили;
танлов ўтказиладиган жой.

Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон қўшимча равишда бошқа оммавий ахборот воситаларида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва тегишли ҳудудий адлия органининг ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари орқали берилиши мумкин.

5. Битта нотариал идоранинг икки ёки ундан ортиқ нотариус лавозимларига танловлар комиссиянинг алоҳида мажлисларида ўтказилади.

6. Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган, шу жумладан нотариал идорада камида бир йил стажировка ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин. Бунда, судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчиси ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировкадан ўтиш талаб қилинмайди.

Малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган фуқаро малака имтиҳонини қайта топширганидан кейин танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қуйидагилар танловда иштирок этиши мумкин эмас:

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс;
қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун нотариус, адвокат, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати тугатилган шахс.

7. Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс (бундан буён матнда талабгор деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этади:

комиссия номига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза;
Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти нусхаси;
мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тўлдирилган сўровнома;
олий маълумот тўғрисидаги диплом ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажини тасдиқловчи “Электрон меҳнат дафтарчаси” тизимидан кўчирма;
судланганлик ҳақида маълумотнома;

малака имтиҳонини топширганлиги (қайта топширганлиги) ҳақида ҳудудий адлия органи ҳузуридаги малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган фуқаролар учун).

Талабгордан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Талабгор муқаддам нотариус, адвокат, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатида ишлаган бўлса, унинг ушбу лавозимларда ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этмаганлигини аниқлаш мақсадида тегишли ташкилотлардан маълумотлар олиниши мумкин.

9. Мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига электрон шаклда, улар қабул қилиб олинганлиги тўғрисида маълум қилган ҳолда тақдим этилади.

Электрон шаклда тақдим этилган ариза ва унга илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат ҳақиқийлиги сақланишини таъминловчи (ҳар бир дюймга 200 нуктадан кам бўлмаган) алоҳида файл кўринишида бўлиши керак. Ҳар бир файл ўлчами 10 Мбдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатлар "PDF" (portable document format) форматида сканер қилинган ҳолда жўнатилади.

10. Мазкур Низомнинг 7 ва 9-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ барча ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, масъул котиб ҳужжатларни кирим қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги девонхонасига беради ва талабгорга билдиришнома юборади.

11. Қуйидаги ҳолларда ишчи орган талабгорга ҳужжатларини қайтариб юборади: тақдим қилинган ҳужжатлар мазкур Низомнинг 7 ва 9-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаганда;

ҳужжатлар танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси тугагандан кейин тақдим этилганда.

Талабгорнинг ҳужжатларини бошқа асосларга кўра қайтариб юборишга йўл қўйилмайди.

12. Мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатиб ўтилган асослардан бири мавжуд бўлганда масъул котиб томонидан икки иш куни ичида аризада кўрсатилган электрон почта манзили бўйича мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда талабгорга хабарнома юборилади.

13. Ҳужжатлари қайтариб юборилган талабгор ҳужжатларни қайтариб юборишга асос бўлган камчиликларни бартараф этгандан кейин, мазкур эълон бўйича ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси ўтгунига қадар ҳужжатларини қайта топшириши мумкин.

Ҳужжатларни қайта топширмаган шахслар ҳужжат топширмаган деб ҳисобланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келиб тушган ҳар бир талабгорнинг ҳужжатлари ишчи орган томонидан алоҳида ўрганиб чиқилади. Талабгорни танловда иштирок этишини рад этишга асослар мавжуд бўлса, ишчи орган томонидан бу ҳақда хулоса тузилади. Мазкур хулоса комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

15. Қуйидаги асосларга кўра талабгорта танловда иштирок этиш рад этилади: талабгор мазкур Низомнинг 6-банди талабларига жавоб бермаганда;

мазкур Низом 28-бандининг олтинчи хатбошисида, 45-банднинг биринчи хатбошисида ва 47-бандида назарда тутилган ҳолларда;

ҳужжатларда ёлгон ёки нотўғри маълумотлар аниқланганда.

Талабгорни бошқа асосларга кўра танловда иштирок этишини рад этилишига йўл қўйилмайди.

16. Талабгорларнинг ҳужжатларини ўрганиш натижаларига кўра, ишчи орган томонидан танлов ўтказиш тўғрисида ёки танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида хулоса тузилади ва у комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Танлов ўтказиш тўғрисидаги хулосада танлов ўтказиладиган сана кўрсатилади.

17. Қуйидаги ҳолларда ишчи орган томонидан танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида хулоса тузилади:

танловда иштирок этиш учун бирорта ҳам талабгор бўлмаса;

танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра барча талабгорларга танловда иштирок этиш рад этилган бўлса.

Танлов ўтказишга қайта эълон тегишли хулоса комиссия раиси томонидан тасдиқланган кундан бошлаб етти иш куни мобайнида берилиши лозим. Мазкур Низом 32-бандининг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда танлов ўтказишга қайта эълон бериш комиссия қароридан кўрсатилган муддатда амалга оширилади.

18. Танловда иштирок этиши рад этилган ҳар бир талабгорга комиссия раиси томонидан тегишли хулоса тасдиқлангандан кейин икки иш куни ичида комиссия масъул котиби томонидан аризада кўрсатилган электрон почта манзили бўйича мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда хабарнома юборилади.

19. Танлов танлов ўтказиш тўғрисидаги хулоса тасдиқланган кундан бошлаб беш кундан сўнг, лекин ўн беш кундан кечиктирмай ўтказилади.

Танлов куни ва ўтказиш жойи ҳақида талабгорга танлов ўтказиладиган кундан камида беш кун олдин аризада кўрсатилган электрон почта манзили бўйича мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хабарнома юборилади.

20. Танлов ўтказиш куни ва жойи танлов ўтказилишидан беш кун олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

3-боб. Танлов ўтказиш тартиби

21. Танлов талабгорнинг назарий ва амалий билимларини аниқлаш мақсадида суҳбат тарзида ўтказилади.

22. Комиссиянинг битта мажлисида бир нечта танловлар ўтказилганда талабгорлар танловларга, қоида тарикасида, 5 тагача талабгордан иборат гуруҳ шакллантирилиб, навбат бўйича киритилади.

Талабгорлар танловга паспорти асосида қўйилади.

23. Талабгорнинг танловга уяли телефон, бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб ва шпаргалкалар олиб кириши ҳамда улардан фойдаланиши тақиқланади.

24. Суҳбат саволлари қуйидаги соҳалар бўйича тузилади:

давлат ва жамият қурилиши ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотлар;

фуқаролик ҳуқуқи;

нотариат.

Саволлар комиссия раиси ва масъул котибининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Танлов саволлари қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда даврий равишда қайта кўриб чиқилади.

25. Комиссия мажлисида масъул котиб унда иштирок этаётган комиссия аъзоларини танловда иштирок этишга қўйилган талабгорлар рўйхатини, шу жумладан танлов куни келган ва келмаган талабгорларнинг рўйхатини ўқиб эшиттиради.

26. Талабгор комиссиянинг битта мажлиси давомида фақат битта танловда иштирок этиши мумкин.

27. Саволларга тайёрланиш учун талабгорларга 20 дақиқагача вақт ажратилади.

28. Саволларга тайёрланиш жараёнида талабгорларга қуйидагилар тақиқланади: уяли телефон, бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб ҳамда шпаргалкалардан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

танлов тугамасидан хонадан ташқарига чиқиш.

Талабгорнинг мазкур қоидага амал қилмаслиги уни танловда қатнашишдан четлаштириш учун асос бўлади. Ушбу ҳолатда масъул котиб томонидан мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилади ва комиссия аъзоларининг камида уч нафари томонидан имзоланади.

Танловда қатнашишдан четлаштирилган талабгор олти ой давомида кейинги танловларга қўйилмайди.

29. Тайёргарлик кўриш учун берилган вақт тугагандан сўнг талабгор комиссияга жавоб беради. Комиссия аъзолари айрим жавобларни аниқлаштириш мақсадида қўшимча саволлар бериши мумкин.

Талабгор саволларга жавоб бериб бўлганидан сўнг хонадан чиқишига рухсат берилади.

30. Танлов натижаларини аниқлаш учун комиссиянинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил ҳолда мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда баҳолаш бюллетенида талабгорнинг саволларга берган жавобини 10 баллик тизимда баҳолайди.

Талабгор танловга келмаса, ундан чиқариб юборилса ёки ўзи чиқиб кетса 0 балл қўйилади.

31. Баҳолаш бюллетенида балларни ҳисоблаб чиқиш учун комиссия аъзолари орасидан 3 кишидан иборат ҳисоблаш гуруҳи тузилади.

Ҳисоблаш гуруҳи томонидан баҳолаш бюллетенларидаги баллар ҳисоблаб чиқилади. Ҳисоблаш натижалари мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги йиғма баҳолаш бюллетенига киритилади ва комиссия аъзоларига эълон қилинади.

32. Танлов натижасига кўра энг кўп балл олган талабгор танловда голиб деб топилади.

Голиб деб топилган талабгорнинг бали танловда олиниши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизидан кўп бўлиши лозим.

Танловда иштирок этган талабгорнинг бали танловда олиниши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизи ёки ундан кам балл бўлса, комиссия танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Нотариус лавозимида ишлаётган шахс танловда иштирок этиб, танловда олинishi мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизи ёки ундан кам балл тўпланган тақдирда эгаллаб турган лавозимига нолайиқ деб топилади ва у билан тузилган меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

33. Баллар тенг бўлиб қолганда, танлов ғолиби энг кўп бир хил балл олган талабгорлар орасидан комиссия аъзолари томонидан овоз бериш йўли билан аниқланади.

Энг кўп овоз олган талабгор танловда ғолиб деб топилади. Овозлар такроран тенг бўлиб қолса, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

34. Танловда ғолиб деб топилмаган ва олинishi мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизидан кўп балл тўплаган талабгорларга уларнинг розилиги билан комиссиянинг ушбу мажлиси давомида танлов ўтказилган, бироқ унда ғолиб аниқланмаган, шунингдек мазкур Низомда белгиланган тартибда икки марта эълон берилган, лекин ушбу бўш ўринга бирорта ҳам талабгор танловда иштирок этмаган бошқа бўш нотариус ўрнида ишлаш таклиф этилиши мумкин.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган талабгорларга нотариуснинг болани парваришлаш таътилига чиқиш даврида унинг ўрнида вақтинча нотариус лавозимида ишлаш таклиф этилиши мумкин.

35. Сўнгги олти ой давомида ўтказилган танловларда кетма-кет икки марта иштирок этиб, уларнинг ҳар бирида олинishi мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизи ёки ундан кам балл тўплаган талабгор иккинчи танлов ўтказилган кундан бошлаб олти ой давомида эълон қилинган танловларга қўйилмайди.

36. Танлов якунлари бўйича комиссия қарор қабул қилади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

рақами ва қабул қилинган санаси;

иштирок этган комиссия аъзолари рўйхати;

танлов натижалари;

танловда ғолиб деб топилган талабгор рўйхати;

танловда ғолиб деб топилган талабгорлар томонидан қасамёд қабул қилинганлиги;

комиссия қарори устидан шикоят қилиш тартиби.

Баҳолаш бюллетенлари ҳамда йиғма баҳолаш бюллетени комиссия қарорига илова қилинади.

Комиссия қарори раис томонидан тасдиқланади.

37. Талабгорлар томонидан тўпланган баллар, овоз бериш натижалари ҳамда комиссия қарори шу куннинг ўзида танловда иштирок этган талабгорларга ўқиб эшиттирилади.

38. Комиссия қарори бир нусхада тузилади. Танловдан сўнг уч иш куни ичида қарордан кўчирма танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни нотариус лавозимида тайинлаш тўғрисидаги буйруқ қабул қилиш учун ҳудудий адлия органига юборилади. Қарор танлов бўйича йиғмажилдга тикиб қўйилади.

4-боб. Талабгордан нотариус қасамёдини қабул қилиш

39. Танловда ғолиб деб топилган талабгор комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига асосан қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

“Нотариус вазифасини ҳалол ва виждонан бажаришга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан”.

40. Талабгор нотариус қасамёди матнини овоз чиқариб ўқийди ва талабгор тўғрисидаги маълумотлар, қасамёд қабул қилинган сана ва жой баён этилган тегишли ҳужжатни имзолайди.

Мазкур ҳужжат ҳам комиссия қарорига илова қилинади.

41. Танловда ғолиб деб топилган талабгорнинг нотариус қасамёдини қабул қилишдан бош тортиши унинг нотариус лавозимига тайинланишдан воз кечиши деб ҳисобланади.

5-боб. Нотариус лавозимига тайинлаш

42. Комиссиянинг танлов якунлари бўйича қабул қилган қарори танловда ғолиб деб топилган талабгор билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни нотариус лавозимига тайинлашга асос бўлади.

43. Танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни нотариус лавозимига тайинлаш тегишли ҳудудий адлия органининг буйруғи билан амалга оширилади.

Агар талабгор нотариуснинг болани парваришлаш таътили даврига унинг ўрнида вақтинча нотариус лавозимида ишлаш учун тайинланган бўлса, у билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади ва тегишли буйруқ чиқарилади.

Танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни нотариус лавозимига тайинлаш ҳақидаги буйруқ комиссия қароридан кўчирма олинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай чиқарилади.

44. Нотариус лавозимига тайинланган, бироқ охириги уч йилда нотариус, нотариус ёрдамчиси, нотариус стажёри ёки нотариус котиби лавозимида ишламаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган дастур бўйича бир ойлик амалиётни ўтайдилар.

Амалиёт ўташ нотариус лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқда назарда тутилади.

Амалиёт соҳа бўйича етарли тажриба ва кўникмаларга эга бўлган ҳамда нотариус лавозимида камида уч йил ишлаётган нотариус амалиёт мураббийи этиб белгиланади.

6-боб. Танловда иштирок этишдан ёки нотариус лавозимига тайинланишдан воз кечиш

45. Талабгор танловнинг ҳар қандай босқичида, шунингдек нотариус лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ қабул қилингунга қадар танловда иштирок этишдан ёки нотариус лавозимига тайинланишдан воз кечишга ҳақли. Бунинг учун талабгор бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки тегишли ҳудудий адлия органига ариза билан мурожаат этиши лозим. Бундай талабгорлар олти ой давомида кейинги танловларга кўйилмайди.

Агар танловда ғолиб деб топилган талабгор танлов ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ичида тегишли ҳудудий адлия органига меҳнат шартномасини тузиш ва нотариус лавозимига тайинланиш учун мурожаат қилмаса, бу ҳолат нотариус лавозимига тайинланишдан воз кечиш деб ҳисобланади, келмаганлик сабаби узрли деб топилган ҳоллар бундан мустасно.

46. Агар танловда ғолиб деб топилган талабгор нотариус лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ қабул қилинганга қадар нотариус лавозимига тайинланишдан воз кечса, танловда мазкур талабгордан сўнг энг юқори балл олган талабгор комиссия қарори асосида нотариус лавозимига тайинланади. Бунда ушбу талабгор танловда олиниши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизидан кўп балл тўплаган ҳамда мазкур Низомнинг 34-бандига ҳамда 43-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ бошқа бўш (вақтинча бўш) нотариус ўрнига тайинланмаган бўлиши лозим.

47. Агар талабгор танловга келмаса олти ой давомида кейинги танловларга қўйилмайди, келмаганлик сабаби узрли деб топилган ҳоллар бундан мустасно.

7-боб. Танлов бўйича ҳужжатларни юритиш

48. Ўтказилган ҳар бир танлов бўйича материаллар, шу жумладан танлов ўтказиш жараёни қайд этилган аудио ва видеоёзувлар ёзилган сақлаш қурилмалар ишчи органнинг алоҳида йиғма жилдида тикилади.

49. Танловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар ҳар бир танлов бўйича йиғма жилдларга тикилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида (доимий сақланиши назарда тутилган комиссия қароридан ташқари) ўн йил мобайнида сақланади.

8-боб. Яқуний қондалар

50. Комиссия қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

51. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Нотариус лавозимига тайинлаш
бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги Олий малака комиссиясига

(талабгорнинг Ф.И.О. иш жойи, яшаш жойи)

нотариуси лавозимига тайинлаш
(давлат нотариал идорасининг номи)

**бўйича танловда иштирок этиш тўғрисида
АРИЗА**

Менга “Инсон ва қонун” газетасининг 20__ йил “____” _____ даги
_____-сонда берилган эълонга мувофиқ _____ нотариуси
(давлат нотариал идорасининг номи)
лавозимига тайинлаш бўйича танловда иштирок этишга рухсат беришингизни сўрайман.

Малака имтихонини 20__ йил “____” _____ да _____
(худудий адлия органи номи)
хузуридаги малака комиссиясида топширганман / қайта топширганман (кераклисини таги
чизилсин).

Муқаддам нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танловда иштирок
этмаганман / иштирок этганман 20__ йил “____” _____ да (кераклисини таги
чизилсин, иштирок этилган бўлса сана кўрсатилсин).

Боғланиш телефон рақамим: _____.

Электрон почта манзилим: _____.


(тўлдирилган сана)

(талабгор имзоси)

Нотариус лавозимига тайинлаш
бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

Сўровнома

1. Фамилияси: _____
Исми: _____
Отасининг исми: _____



2. Туғилган санаси: _____ йил “ _____ ” _____ .

3. Маълумоти: _____ Тамомлаган: _____
(сана)

_____ (олий ўқув юрти номи)

Диплом бўйича мутахассислиги: _____

Илмий даражаси, илмий унвони (агар мавжуд бўлса): _____

4. Меҳнат дафтарчасидан иш стажи ҳақида маълумотлар:

т/р	Ишга кириш санаси	Ишдан кетиш санаси	Иш жойи ва лавозими
1.			
2.			
...			

5. Ўзига нисбатан муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида суднинг қарори мавжудлиги: _____

6. Судланганлик ҳолати: _____

7. Сўровномадаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлайман.

Сўровнома тўлдирилган сана: 20 _____ йил “ _____ ” _____ .

Шахсий имзо _____

Нотариус лавозимига тайинлаш
бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

20__ йил “__” _____ -сон Талабгор _____ га
(талабгорнинг Ф.И.О.)

(яшаш жойи)

ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан _____
_____ нотариус

(нотариус лавозимига танлов ўтказилаётган давлат нотариал идорасининг номи)
лавозимига ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларингиз
кўриб чиқилди.

(ҳужжатларни қайтариб юбориш асослари, Низомнинг қайси бандлари

бузилганлигини кўрсатган ҳолда санаб ўтилади)

_____ сабабли Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига мувофиқ Сизнинг ҳужжатларингиз қайтариб
юборилмоқда.

Комиссия масъул котиби

(имзо)

(Ф.И.О.)

Нотариус лавозимига тайинлаш
бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

20__ йил “__” _____-сон

Талабгор _____ га
(талабгорнинг Ф.И.О.)

(яшаш жойи)

ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан _____
_____ нотариус

(нотариус лавозимига танлов ўтказилаётган давлат нотариал идорасининг номи)
лавозимига ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларингиз
кўриб чиқилди.

(танловда иштирок этишни рад этиш сабаблари, Низомнинг қайси бандлари

бузилганлигини кўрсатган ҳолда санаб ўтилади)

_____ сабабли Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига мувофиқ Сизга танловда иштирок этиш рад
этилди.

Комиссия масъул котиби

(имзо)

(Ф.И.О.)

Нотариус лавозимига тайинлаш
бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-илова

20__ йил «__» _____ -сон

Талабгор _____ га
(талабгорнинг Ф.И.О.)

(яшаш жойи)

ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан _____
_____ нотариус

(нотариус лавозимига танлов ўтказилаётган давлат нотариал идорасининг номи)

лавозимига ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларингиз
кўриб чиқилди ва Сиз танловда иштирок этишга қўйилдингиз.

Танлов 20__ йил «__» _____ кунни соат __:__ да Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги биносида ўтказилади.

Танлов кунни келмасангиз Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомнинг 47-бандига мувофиқ кейинги танловларга олти ой
давомида қўйилмаслигингиз тўғрисида огоҳлантириласиз.

Комиссия масъул котиби

(имзо)

(Ф.И.О.)

Нотариус лавозимига тайинлаш
бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-илова

Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танловдан четлаштириш ҳақида
ДАЛОЛАТНОМА

Тошкент шаҳри

20__ йил “__” _____

Биз, қуйида имзо чекувчилар шуни тасдиқлаймизки, талабгор _____

_____ қуйидаги сабабларга танловдан

(талабгорнинг Ф.И.О)

соат ____ : ____ да четлатилди:

- уяли телефон, бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб ҳамда шпаргалкалардан фойдаланди;
- бошқа талабгорлар билан суҳбатлашди;
- танлов тугамасидан хонадан ташқарига чиқди.

Талабгор томонидан Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 28-банди талаблари бузилди.

Комиссия аъзоси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Комиссия аъзоси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Комиссия аъзоси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Нотариус лавозимига тайинлаш
бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
7-илова

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Олий малака комиссияси аъзосининг
БАҲОЛАШ БЮЛЛЕТЕНИ

т/р	Танлов ўтказилаётган давлат нотариал идорасининг номи	Талабгорларнинг Ф.И.О.	Қўйилган балл
1.			
2.			
3.			
...			

Комиссия аъзоси

(имзо)

(Ф.И.О.)

Нотариус лавозимига тайинлаш
бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
8-илова

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг _____-сон мажлиси
ЙИҒМА БАҲОЛАШ БЮЛЛЕТЕНИ

т/р	Танлов ўтказиладиган давлат нотариал идорасининг номи	Талабгорларнинг Ф.И.О.	Комиссия аъзоларининг Ф.И.О. ва улар томонидан қўйилган баллар											Жами балл
			Ф.И.О.	Ф.И.О.	Ф.И.О.	Ф.И.О.	Ф.И.О.	Ф.И.О.	Ф.И.О.	Ф.И.О.	Ф.И.О.	Ф.И.О.	Ф.И.О.	
1.														
2.														
3.														
...														

Комиссия аъзоси

(имзо)

(Ф.И.О.)

Комиссия аъзоси

(имзо)

(Ф.И.О.)

Комиссия аъзоси

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2019 йил __ январдаги
__-мх-сон буйруғига
2-илова

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165, 2010 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 498-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 225-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165-1, 2011 йил 3 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 435-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 8 июндаги 120-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165-2, 2012 йил 8 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 23-24-сон, 271-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 9 июндаги 157-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига қўшимча киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165-3, 2014 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 24-сон, 296-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги 310-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165-4, 2014 йил 30 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 52 (I)-сон, 647-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 21 майдаги 158-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165-5, 2015 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 267-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 29 декабрдаги 391-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165-6, 2015 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 52-сон, 654-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 23 январдаги 18-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165-7, 2017 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 56-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 20 июндаги 144-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165-8, 2017 йил 20 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 561-модда)

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 13 сентябрдаги 300-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165-9, 2017 йил 13 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1022-модда).

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 11-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги (рўйхат рақами 2165-10, 2018 йил 6 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 1-сон, 21-модда).

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 22 февралдаги 100-мх-сон “Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2165-11, 2018 йил 22 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 8-сон, 148-модда).